«ТАСДИҚЛАНГАН»

“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖнинг 2026 йил 12 майдаги 01/26-сонли акциядорлар йиллик умумий йиғилиши Баённомаси билан Йиғилиш раиси

М.А. Хван

2026 йил 12 май 01/26 -сон

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан Директорнинг биринчи ўринбосари

В.Ю. Пак

2026 йил 16 июнь РО172-4 - сон

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” AKSIYADORLIK JAMIYATI

Идентификация рақами берилди:	R	4	1	0	4	P	0	1	7	2	T	0

Номинал қиймати 512 сўмдан бўлган, 1 828 622 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялар .

Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши тўртинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган:
Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг 2026 йил 12 майдаги 01/26-сонли баённомасига асосан акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ва қарор тасдиқланган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107-уй. Телефон: (71)267-35-20, электрон почта манзили: info@ndvakt.uz

Бош директор **С.Нурметов**

Бош ҳисобчи **Ш.Буркутбаев**

Сана:_____

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 512 (беш юз ўн икки) сўм

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 1 828 622 (бир миллион саккиз юз йигирма саккиз минг олти юз йигирма икки) дона

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 936 254 464,0 (тўққиз юз ўттиз олти миллион икки юз эллик тўрт минг тўрт юз олтмиш тўрт) сўм

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Жамият акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисоб-варағидан ўзига таалуқли кўчирма олиш;
- фойдасининг бир қисмини дивиденд шаклида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- олган дивидендни эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- қимматли қоғозларни олиш вақтида зарар кўриш ва фойданинг бир қисмини йўқотиш эхтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш.

Акциядорлар қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Жамият Уставида ушбу чикарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан ҳеч қандай чеклашлар мавжуд эмас.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 936 254 464,0 (тўққиз юз ўттиз олти миллион икки юз эллик тўрт минг тўрт юз олтмиш тўрт) сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 1 828 622 (бир миллион саккиз юз йигирма саккиз минг олти юз йигирма икки) дона оддий акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар Эмитент акциядорлари ўртасида уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда 1:1 коэффициентда тақсимлаш (аввал жойлаштирилган бир дона акция учун бир дона қўшимча акция бериш) орқали қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкил этилмаган (уюшмаган) бозорида ҳеч қандай фуқаролик - ҳуқуқий битимлар тузмасдан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилишдаги акциялар мазкур акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмасдан жойлаштирилади.

Жойлаштиришнинг бошланиш санаси: акциялар чиқарилуви ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейинги 6 (олтинчи) иш куни.
Жойлаштиришнинг тугаш санаси: ушбу чиқарилишнинг сўнги акцияси жойлаштириладиган кун. Бироқ ушбу сана мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: Акцияларни жойлаштириш эмитент томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Мазкур чиқарилишдаги барча акциялар эмитент акциядорлари ўртасида, олдинги йилларнинг тақсимланмаган фойдасини капиталлаштириш хисобига эмитент акциядорларига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда 1:1 коэффициентда тақсимлаш (аввал жойлаштирилган бир дона акция учун бир дона қўшимча акция бериш) орқали қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкил этилмаган (уюшмаган) бозорида ҳеч қандай фуқаролик - ҳуқуқий битимлар тузмасдан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Эмитентнинг акциядорлари орасида қўшимча акцияларини тақсимлаш ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейинги 5 (бешинчи) иш куни ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига мувофиқ амалга оширилади. Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган;

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси хақида маълумот: "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" акциядорлик жамияти. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107. Тел: 71 267-37-42.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси хақида маълумот:

"Dalal Standard" МЧЖ, манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107. Тел: 71 268-06-04, 71 268-04-01.

"Kapital Depozit" МЧЖ, манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Аккурган кўчаси, 25. Тел: 71 286-20-32.

"Mulk-Sarmoya Brokerlik Uyi" АЖ, манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107. Тел: 71 267-35-20.

"Birinchi Banklararo Depozitariy" МЧЖ, манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани, Истикбол кўчаси, 15. Тел: 71 233-06-52.

"Portfolio Investments" МЧЖ. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107. Тел: 71 267-75-75.

"Universal Depozit" МЧЖ, манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 26. Тел: 71 268-28-08.

"Tat Reestr" МЧЖ, манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 1. Тел: 71 232-01-45.

"Tsiar Depo" МЧЖ, манзил: Тошкент шаҳри, Чуст кўчаси, 2А. Тел: 71 262-76-61, 71 262-76-62.

"Freedom Finance" МЧЖ, манзил: 100084, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 107Б. Халқаро бизнес маркази, Тел: 78 147-75-75.

"Silk Capital" МЧЖ, манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59А. Тел: 71 237-04-78.

“Alkes Research” МЧЖ, манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107. Тел: 99 928-88-29.
“Leader Finance Capital” МЧЖ, манзил: Тошкент шаҳри, Чиланзар тумани, 3-квартал, 74. Тел: 99 444-53-53.
“Vaqt Investitsiya Kompaniyasi” МЧЖ, манзил: 140100, Самарканд шаҳри, Коксарой майдони, 1А. Тел: 95 108-82-28.
“Surxondaryo Vaqt” МЧЖ, манзил: Термез шаҳри, И.Каримов кўчаси, 84. Тел: 76 221-18-36.
“Andijon vaqt” МЧЖ, манзил: Андижан шаҳри, А.Навои шоҳ кўчаси, 71. Тел: 90 210-19-95, 90 217-06-58.
“Fargona vaqt” МЧЖ, манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22. Тел: 73 244-14-16.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар Эмитентнинг барча акциядорларига, уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланиши сабабли имтиёзли ҳуқуқни қўллаш кўзда тутилмаган

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар барча акциядорларга номинал қийматида, яъни 512,0 (беш юз ўн икки) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Акцияларнинг қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Эмитентнинг олдинги йиллар бўйича тақсимланмаган фойдасининг бир қисмини, яъни 936 254 464,0 (тўққиз юз ўттиз олти миллион икки юз эллик тўрт минг тўрт юз олтмиш тўрт) сўм миқдоридаги ўз маблағларини капиталлаштириш орқали бухгалтерия ҳисобида тегишли ёзувлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қуйидагича амалга оширилади: Эмитент томонидан ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда муҳим фактлар тегишли сайтларда эълон қилинади. Шунингдек, ушбу чиқарилишдаги акциялар тўловига йўналтирилган маблағлар ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида Эмитент томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобида тегишли ёзувларни киритиш орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (openinfo.uz) ва жамиятнинг расмий веб сайтида эълон қилинади. Шунингдек, қарорнинг асли билан Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107-уйда жойлашган “MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” aksiyadorlik jamiyatiнинг маъмурий биносида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.

Tikilgan va muhrlangan.

Ushbu hujjatda jami 4 (to'rt) varaqlar raqamlangan

Bosh direktor: _____ S.Nurmetov

Bosh xisobchi: _____ Sh.Burkutbayev

"MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" AJ

"MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" AJ